



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
151800, O'zbekiston tumanı, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 17-yanvar.

Yaypan shahri.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning mazmuni: Tabiiy gazni ulgurji iste'molchilarga etkazib berish bo'yicha 2-sonli shartnoma.
3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: Xalq ta'limi bo'limi.
4. Loyiha 14.01.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va shu kuni markazga taqdim etilgan.

Loyihada O'zbekiston tuman Xalq ta'limi bo'limiga "Xududgaz Farg'ona" gaz ta'minoti filiali tomonidan 2022-yil 1-choragida umumiy qiymati 215 998 200 (ikki yuz o'n besh ming to'qqiz yuz to'qson sakkiz ming ikki yuz) so'mni tashkil etuvchi 327 270 kub.m, (uch yuz yigirma etti ming ikki yuz etmish kub.m) tabiiy gaz etkazib berish nazarda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O'RQ-684 sonli qonunining 71,72-moddalarida davlat buyurtmachilarini tomonidan Yagona etkazib beruvchi bilan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzish mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqorida bilarga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.06.2021-yil kungi PQ-5168 sonli qaroriga qo'llanib,-

X U L O S A

O'zbekiston tuman Xalk ta'limi bo'limi tomonidan taqdim etilgan 3-sonli shartnoma, loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq ishlab chiqilgan.

O'zbekiston tuman YXKM
bosh yuriskonsul'ti



M.Utanov

район

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг

ШАРТНОМАСИ

2022 йил “14” Январь

2-сон

Яйпан шахар

Низом асосида фаолият юритувчи **Ўзбекистон тумани ХТБ** кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари Н.Сиддиқова бир томондан ҳамда Низом ва 20 йил “___” да берилган ___-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиали (газ таъминоти ташкилоти номи)(кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади),раҳбари У.Қосимов иккинчи томондан, қуидагилар мазкур шартномани туздилар:

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни кабул килиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 327 270 куб.м, нархи 215 998 200 сўмни ташкил қиласи, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуидагича таксимланади:

I чорак	<u>327 270</u> куб.м,	январь	71 999 400	февраль	71 999 400	Март	71 999 400
II чорак	_____ куб.м,	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____ куб.м,	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____ куб.м,	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ таксимоти тармокларининг ишлашидан издан чиқсан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 2022

йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қиласди:

I чорак	_____ мингкуб.м.	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____ мингкуб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____ минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____ мингкуб.м.	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳакида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай холатлар ортиқча олинган микдор деб хисобланмайди.

1.7. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдикланган балансига мувофик ажратилган ҳажмлар даражасида қайта кўриб чиқишга ҳаклидир.

Кўшимча табиий газ ҳажмлари ажратилишини имконияти бўлмаган тақдирда Етказиб берувчи Истеъмолчига ёзма равишда жавоб беради.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усууллар орқали билан хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Ўзбекистон тумани Яйпан шахар Зиёкор қўчаси 102 тел: 91 155 44 99

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария холатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол қисқартирилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофик захира ёкилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофик амалга оширилади.

2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.12. Табиий газни қазиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол килиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: харорат 20 ° С, босим 101,325 кРа (760 mm Hg) (ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий хужжатлари талабларига мувофик газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёкилғи ва энергия. Хисобга кўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг хамда Бюронинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Газ ўлчаш приборларида ва/ёки ўлчов комплексида бажариладиган хар қандай ишлар (тешериш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, режалаштирилган ишлар ва бошқалар) Етказиб берувчининг, Истеъмолчининг ва Бюронинг вакиллари иштирокида амалга оширилиши керак.

Бюронинг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи ва Бюро вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий холатлар юзага келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори хисобланади (корректировка).

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги холларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган холда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган холда истеъмол қилиш (ноконуний байпас линиялари улангандан) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандаларини инобатта олган холда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган кундан ўрнатилган кунгача бўлган вақтда;

д) хисобга олиш приборини киёслов⁶ кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов комплексини метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтда;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки Бюро ёхуд газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки Бюро ёхуд газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

з) газни тарқатиш тармокларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки Бюро

ёхуд газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) хисоб олиб боришни бузиш максадида рухсатсиз конфигурацияга ўзгартириш киритиш холатлари аниқланганда – рухсатсиз аралашувлар ўтказган кундан бошлаб (агар аралашув кунини тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган миқдорда ундирилади;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда-хисобга олиш прибори архивларида йўклиги даврида бўлган вақтда;

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда. Ушбу холатда пломбаланмаган газ жихозларида фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – Бюро ёки газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш холати аниқланганда - бир хисоб-китоб даври (30 ёки 31 кун).

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб қилиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиккан тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу хақда хабар бериши шарт, шунингдек корхона ва газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини тамғалаши шарт.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофик белгиланади.

Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу хақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар кайтарилини, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланганди тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчи алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қисқа туташув ва х.к)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлари бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор килган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва бўлгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимиға киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоклари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.

4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактуруни қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим киласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.18. Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.19. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор киласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҶОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ хажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи газ тармокларидан қуидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распектка) ёки газ ҳисобдонининг кўрсаткичлари Етказиб берувчига тақдим этилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткични олишга қўйилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасдан зарап етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгаририш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни талон-тарож қилиш, газ тармокларига ноқонуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш коидаларини бузиш ҳолатлари аникланганда.

6.2. Тармоқка кайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш хақининг ўн баравари миқдорида хак ундирилади.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармокларига истеъмолчиларни масофадан кайта улаш учун хак ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш-қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида Бюро ва бошқа ҳуқукни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш;
- Истеъмолчиларга ўз товарларини ҳарид қилиш учун тенг шароитлар яратади. Барча Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, Истеъмолчилар ўртасида маҳсулот таксимотини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорларига мувофик тартибга солиш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Истеъмолчиларни маҳсулотни зарур миқдорларда ва сифатли қабул қилиш шароитларида бузилишининг олдини олиш;

- Истеъмолчиларга йўрикномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хафвсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

- Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- Истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

- Истеъмолчиларни техник хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳакида турар жойлар йўлакларида эълонлар ёки бошқа мавжуд усуллар орқали камидаги сутка аввал огохлантириш;

- газдан фойдаланиш ускуналарини Истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича қуидаги муддатларда таъмиглаш:

- табиий газ сизиб чиқишида – дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига – бир кун давомида;

иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига – бир кун давомида;

- исик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) – икки кун давомида;

- газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда – беш кун давомида.

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуидаги ҳуқукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган холда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни газ тармогидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган холда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирмаган холда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

- газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;
 - ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распектка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;
 - газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
 - газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чикиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;
 - ўзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чикиш;
 - газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
 - Бюро ва газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувохнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
 - газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
 - табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик килувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;
 - табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.
- 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш хукукига эга:
- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, газ Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
 - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;
 - табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
 - табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;
 - газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.
- Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошка хукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;
- б) захира ёқилғига ўтиш талаблари бажарилмаганда;
- в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- г) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;
- в) киш даврида вактинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри хокимликлари карорлари билан тасдикланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);
- г) кабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани кайтаишни талаб қилиш ҳукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат килишга ҳақлидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қискартириш ёки кабул килиш хукуқига эга.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

10.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор кабул киладилар.

XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равища расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

11.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўtkazilgan кундан бошлаб кучга киради.

11.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилик ҳар йили “2022 йил 31 декабрь санасига” амал қилишлари лозим.

11.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул килинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иктисодий суд томонидан ҳал килинади.

XII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома коидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибида бекор килиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ”Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиали
(газ таъминоти ташкилотининг номи)

Почта манзили Фарғона вилояти Фарғона шахри Б.Марғилоний кўч. №76-үй
КТУТ коди _____
ХХТУТ _____

Боғланиш телефони 73-229-04-13

Тўловлар учун банкнинг хисоб раками 226340009051139604 63

Банкнинг номи “Узагросаноатқурилишбанк” Ракат филиали
МФО: 00435

СТИР 306605769

Рахбар в/б: У.Қосимов

(Ф.И.О.)

Имзо:

М.Ў.

ИСТЕЙМОЛЧИ Ўзбекистон тумани ХТБ

(бюджет ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг номи)

Почта манзили Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси 102

КТУТ коди _____

ХХТУТ _____

Боғланиш телефони 91 -698 29 92

Тўловлар учун банкнинг хисоб раками 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шахри МФО: 00014

ШХР: 100022860302307092100075071

СТИР : 200189130

Рахбар Н.Сиддикова

(Ф.И.О.)

Имзо:

М.Ў.



20 __йил «__» _____ дагы
____-сон намунавий шартномага
илюва

Фойдаланишга қабул қилингандай газда ишлайдиган қурилмаларп РҮЙХАТИ

Келишилди:

Етказиб берувчи



Истерьмолчи

